

Ўзбекистон Республикасида меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорини белгилаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида

ТАҲЛИЛИЙ МАЪЛУМОТ

Кириш

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори (МХЭКМ) ходимларнинг минимал даромад даражасини таъминлаш, тенгсизликни қисқартириш ва ички талабни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган ижтимоий ва меҳнат сиёсатининг базавий инструменти ҳисобланади. Халқаро амалиётда МХЭКМ ижтимоий кафолат функциясини бажариш билан бир қаторда, меҳнат бозорини тартибга солиш воситаси сифатида расмий секторда иш ҳақининг қуйи чегарасини шакллантиради. **Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ)** ва **Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг (ИХТТ)** услубий тамойилларига мувофиқ, ушбу инструментнинг самарадорлиги унинг институционал мустақиллиги, белгиланган даражанинг муносиблиги (адекватлиги), ходимларнинг қамров кўлами ва белгиланган нормативларга риоя этилиш даражаси, шунингдек, иқтисодий ривожланиш параметрлари билан муносаблиги орқали белгиланади.

Энг кам иш ҳақини белгилаш ва унинг амал қилиш тамойилларига оид асосий ёндашувлар **Халқаро меҳнат ташкилотининг 131-сонли Конвенциясида** мустаҳкамланган. Мазкур ҳужжат қоидаларига мувофиқ, МХЭКМ даражасини аниқлашда, бир томондан, ходимлар ва уларнинг оила аъзолари эҳтиёжлари (шу жумладан, нархлар даражаси ва яшаш минимуми), иккинчи томондан эса — меҳнат унумдорлиги, бандлик даражаси ва иқтисодиётнинг молиявий имкониятлари каби иқтисодий омиллар инобатга олиниши лозим. Бунда МХЭКМнинг **медиана иш ҳақи**га нисбати, шунингдек, **кўрсаткични қайта кўриб чиқишнинг мунтазамлиги** ва **уни белгилаш механизмининг институционал мустақиллиги** асосий мезонлар (ориентирлар) сифатида қўлланилади. Қайд этилган мезонлар минимал иш ҳақи миллий моделлари, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасида амал қилаётган тизим самарадорлигини баҳолаш учун услубий асос бўлиб хизмат қилади.

*Халқаро амалиётда минимал иш ҳақини баҳолашнинг турли категорияларидан фойдаланилади, жумладан, юридик кафолат сифатида меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори (МХЭКМ) норматив даражаси; унинг медиана иш ҳақи*га нисбатини *ифодоловчи Кейтц индекси; шунингдек, «муносиб иш ҳақи» даражаси (Living Wage — асосий эҳтиёжларни қондириш учун зарур бўлган даромаднинг ҳисобланган миқдори). Шунингдек, медиана иш ҳақининг 40–50 фоизлик кўрсаткичлари халқаро таҳлилий мезонлар сифатида қўлланилади.*

1. Ўзбекистон Республикасида МҲЭKM моделининг тизимли чекловлари

1. Ўзбекистонда МҲЭKM бир вақтнинг ўзида ҳам ижтимоий кафолат, ҳам бюджет соҳасида меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини шакллантирувчи ҳисоб-китоб базаси вазифасини бажаради. **МҲЭKMнинг Ягона тариф сеткасига (ЯТС) боғланганлиги** унинг миқдорини ошириш ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди ҳажми ўртасида **бевосита функционал боғлиқликни** келтириб чиқаради. Бу эса, ўз навбатида, давлат бюджети харажатларининг автоматик равишда ортишига сабаб бўлмоқда.

2. Халқаро қиёсий таҳлиллар **МҲЭKM даражасининг аҳоли даромадларига нисбатан пастлигини** кўрсатмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 2 августдаги ПФ-91-сон Фармони¹ мувофиқ, 2025 йил 1 августдан МҲЭKM миқдори ойига **1 271,0 минг сўмни** (2026 йил 1 апрель ҳолатига 104 АҚШ доллари) ташкил этмоқда. Халқаро маълумотлар базалари (жумладан, WageIndicator)² маълумотларига кўра, ушбу кўрсаткич қатор МДХ мамлакатларига нисбатан паст даражада сақланиб қолмоқда, хусусан, Қозоғистонда минимал иш ҳақи миқдори **180 АҚШ доллари** атрофида, Россия Федерациясида **295 АҚШ доллари**, Беларусь Республикасида эса **265 АҚШ доллари**га яқин даражада (2026 йил 01.04. ҳолатига).

Шу билан бирга, МҲЭKM ва медиана иш ҳақи ўртасидаги нисбат **24 фоизни** атрофидани ташкил қилади. Халқаро таҳлилий амалиётда (хусусан, Европа Иттифоқи мамлакатлари ва ИХТТ таҳлилларида) минимал иш ҳақининг етарлилик даражасини баҳолаш учун медиана иш ҳақи^{га} нисбатан **40–60 фоиз** атрофидаги диапазон кенг қўлланилади. Ушбу ёндашув нуқтаи назаридан, Ўзбекистондаги МҲЭKM **нисбатан паст даражада** эканлиги кузатилади.

3. Амалдаги МҲЭKM модели даромадлар ва яшаш қийматидаги фарқларга етарли даражада мослашмаган. Расмий маълумотларга кўра, Тошкент шаҳри билан айрим ҳудудлар ўртасида **ўртача иш ҳақи фарқи 1,5–2 бараварни** ташкил этади. Ушбу шароитда МҲЭKM пойтахтда реал харажатларни тўлиқ акс эттирмайди, айрим ҳудудларда эса иш ҳақи даражаларига нисбатан юқори юклама ҳосил қилиши мумкин.

Мазкур муаммо **тармоқлар кесимида** ҳам кузатилади. МҲЭKM айрим тармоқлар, шу жумладан қурилиш, чакана савдо ва умумий овқатланиш соҳаларининг ўзига хос хусусиятларига тўлиқ мос келмаслиги мумкин, чунки ушбу соҳаларда меҳнат шароитлари, иш вақти ва даромад даражаси бошқа тармоқлардан сезиларли фарқ қилади. **Соатбай ва кунбай ҳақ тўлаш** механизмларининг етарли ривожланмагани эса МҲЭKMни мавсумий ва тўлиқ бўлмаган бандликда қўллашни чеклайди.

¹ <https://lex.uz/docs/7553322>

² <https://lex.uz/docs/7553322>

4. Тизимнинг яна бир муҳим камчилиги — **минимал иш ҳақи талабларига риоя этилишини таъминлаш** механизмнинг етарли даражада самарали эмаслигидир. Амалиётда ходимларни расман МХЭKM даражасида расмийлаштириб, даромаднинг қолган қисмини норасмий тарзда тўлаш ҳолатлари кузатилади. Мавжуд баҳолашларга кўра, ходимларнинг тахминан **15 фоизи 1,0 млн сўмдан кам**, яна **21 фоизи эса минимал иш ҳақи даражасига** яқин миқдорда ҳақ олади. Шу билан бирга, норасмий бандлик даражасининг **38–40 фоиз** атрофида сақланиб қолиши меҳнат бозори иштирокчиларининг салмоқли қисми МХЭKM таъсир доирасидан ташқарида эканлигини кўрсатади.

Ушбу шароитда МХЭKM меҳнат бозоридаги реал даромадлар даражасини тўлиқ акс эттирмайди. Маъмурий тўсиқлар, хусусан меҳнат муносабатларини расмийлаштиришдаги мураккаб тартиб-таомиллар, солиқ юки ва назорат механизмларининг чекланган самарадорлиги натижасида иш берувчилар МХЭKMдан кўпинча формал кўрсаткич сифатида фойдаланади.

2. Ўзбекистонда МХЭKMнинг самарадорлигини баҳолаш (2026 й.)

Баҳолаш мезони	Жорий ҳолат	Таҳлилий ҳулоса
МХЭKMнинг институционал модели	МХЭKM бир вақтнинг ўзида ижтимоий кафолат функциясини ва Ягона тариф сеткасида (ЯТС) ҳисоб-китоб базаси вазифасини бажаради. Унинг оширилиши бюджет секторида меҳнатга ҳақ тўлаш фондини автоматик равишда оширади ва бюджетга тўғридан-тўғри босим кўрсатади (бюджет секторида меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари улуши, умумий бюджет харажатларининг 42-45 фоизини ташкил этади).	МХЭKM даражаси ижтимоий мезонлар билан бир қаторда фискал чекловлар таъсирида шаклланади.
МХЭKMнинг даражаси ва етарлилиги (мутлақ ва нисбий)	МХЭKM — 1 271 000 сўм. Ўртача иш ҳақи — 6,4 млн сўм (расмий статистика маълумотлари бўйича). МХЭKM ва медиана иш ҳақи ўртасидаги нисбат (Кейтц индекси) 24 фоизни ташкил этади (медиана иш ҳақи 5,3 млн сўм бўлган ҳолда).	МХЭKM меҳнатга ҳақ тўлашнинг минимал даражасини етарли даражада белгиламайди ва халқаро амалиётда қўлланиладиган кўрсаткичларга нисбатан 1,7–2 баравар паст даражада.
Тизимининг мослашувчанлиги ва адаптивлиги	Барча ҳудудлар ва тармоқлар учун ягона МХЭKM даражаси белгиланган. Яшаш қиймати ва меҳнат унумдорлигидаги фарқлар етарли даражада ҳисобга олинмайди. Соатбай	МХЭKM тизими иқтисодий тузилмасига етарли даражада мослашмаган

	ва кунбай меҳнатга ҳақ тўлаш механизмлари кенг жорий этилмаган.	
МХЭКМнинг қамрови ва унга риоя этилиш даражаси	Норасмий бандлик даражаси 38–40 фоизни ташкил этади. Маълумотларга кўра, 14,7 млн иқтисодий фаол аҳолидан тахминан 5,4 млн киши расмий секторда банд. Амалиётда иш ҳақининг бир қисмини расмий ҳисобдан ташқари тўлаш ҳолатлари кузатилади.	Ходимларнинг салмоқли қисми МХЭКМ таъсир доирасидан ташқарида бўлиб, унинг амалий таъсири чекланган.

Ўзбекистонда МХЭКМни такомиллаштириш йўналишларини белгилаш мақсадида, унинг самарадорлигини баҳолашда қўлланиладиган асосий мезонлар бўйича халқаро амалиётнинг қиёсий таҳлили ўтказилди.

3. Минимал иш ҳақини тартибга солишнинг халқаро тажрибаси

Мезон	Халқаро амалиёт	Қўлланиш механизми
МХЭКМнинг институционал модели	Германияда жамоавий шартномалар (Tarifverträge) давлат секторидаги иш ҳақини белгилайди, миллий МХЭКМ (Mindestlohn) эса умумий ижтимоий минимал чегара ҳисобланади. Қозоғистонда бюджет соҳасида иш ҳақини шакллантириш учун базавий лавозим маоши (БЛМ) қўлланилади.	Функцияларнинг тақсимланиши: МХЭКМ ижтимоий стандарт сифатида ишлатилади, давлат секторида меҳнатга ҳақ тўлаш эса мустақил ҳисоб-китоб асоси (тариф тизими ёки БЛМ) негизида шакллантирилади.
МХЭКМ даражаси ва адекватлиги	Европа Иттифоқи мамлакатларида минимал иш ҳақининг етарлилигини баҳолашда медиана иш ҳақига нисбатан 50–60 фоиз атрофидаги кўрсаткичдан фойдаланилади (Directive (EU) 2022/2041). Хусусан, Германияда ушбу кўрсаткич тахминан 50 фоизга яқин, Россия Федерациясида эса медиана иш ҳақининг 42 фоизи миқдорида белгиланган (2021 йилдан).	МХЭКМ даражасини медиана иш ҳақига боғлаш (Кейтц индекси), тариф ставкалари ва нархлар динамикасини ҳисобга олган ҳолда индексация қилиш ҳамда институционал механизмлар орқали мунтазам қайта кўриб чиқиш.
МХЭКМ тизимининг мослашувчанлиги	Германия, Бельгия, Испания ва Нидерландияда жамоавий шартномалар орқали белгиланадиган ва бутун тармоққа татбиқ этиладиган тармоқ ичидаги минимал ставкалар амал қилади. ЕИ мамлакатларида минимал соатбай иш ҳақи ставкаси ҳам кенг қўлланилади, бунда тўлиқ бўлмаган	Миллий минимал миқдор, тармоқ ставкалари ва амалда ишланган вақтни ҳисобга олувчи минимал кунбай ва соатбай иш ҳақини ўз ичига олган кўп даражали тизимни қўллаш.

	бандликдаги ходимлар улуши 20–30 фоизни ташкил этади.	
МХЭКМнинг ҳудудий табақаланиши	Японияда минимал иш ҳақи яшаш қийматидаги фарқларни ҳисобга олган ҳолда префектуралар даражасида белгиланади. Россия Федерациясида федерал минимал иш ҳақи билан бир қаторда, ҳудудий келишувлар асосида юқорироқ минимал даражаларни белгилаш амалиёти мавжуд.	Базавий МХЭКМга нисбатан ҳудудий коэффицентларни қўллаш ижтимоий кафолатларни маҳаллий меҳнат бозор шароитларига мослаштириш имконини беради.
Қамров ва риоя этилиш	Солиқ рағбатлари (Туркия), иш ҳақини рақамли ҳисобга олиш (Буюк Британия) ва бандликни рақамли рўйхатга олиш (Эстония) механизмларини уйғун қўллаш минимал иш ҳақига риоя этилишини оширади.	МХЭКМга риоя этилишини таъминлаш солиқ рағбатлари, рақамли ҳисоб ва самарали назорат механизмларини биргаликда жорий этишни талаб қилади..
МХЭКМнинг меҳнат бозорига таъсири	Германияда МХЭКМни ўзгартириш бўйича қарорлар Минимал иш ҳақи бўйича комиссия томонидан трипартизм (уч томонлама ҳамкорлик) тамойиллари асосида, бандлик ва тариф ставкалари динамикасини ҳисобга олган ҳолда қабул қилинади. ЕИнинг қатор давлатларида минимал иш ҳақи мунтазам кўриб чиқилади, масалан, Бельгия ва Люксембургда истеъмол нархлари индекси муайян даражага етганда МХЭКМ автоматик ошади.	Трипартизм тамойили (давлат, иш берувчилар ва касаба уюшмалари иштироки), бандлик ва тариф индекслари динамикасини инобатга олиш, шунингдек, салбий оқибатларни камайитириш учун МХЭКМ даражасини босқичма-босқич ўзгартириш.

Шуни инобатга олиш лозимки, келтирилган халқаро амалиёт элементлари турли институционал шароитларда шаклланган бўлиб, тўғридан-тўғри ўзлаштириш учун универсал воситалар ҳисобланмайди. Уларнинг қўлланилиши жамоавий шартномалар тартибга солиш механизмларининг ривожланганлик даражасига, бандликнинг формаллашув даражасига ҳамда назорат тизимининг самарадорлигига боғлиқ. Ушбу шароитларда Ўзбекистон учун устувор йўналиш мавжуд чекловларни инобатга олган ҳолда энг мослашувчан механизмларни босқичма-босқич жорий этишдан иборат.

4. Ўзбекистонда МХЭКМ тизимини такомиллаштириш йўналишлари

МХЭКМнинг амалдаги моделини баҳолаш натижалари, халқаро тажриба ҳамда Халқаро меҳнат ташкилоти тавсияларига таянган ҳолда, тизимдаги институционал ва таркибий муаммоларни ҳал қилишга қаратилган қуйидаги комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш таклиф этилади:

1. Минимал иш ҳақининг самарадорлигини ошириш мақсадида унинг даражасини **2030 йилга қадар медиан иш ҳақиға нисбатан 40 фоизгача босқичма-босқич ошириш** мақсадға мувофиқ. Бундай ёндашув МРОТнинг аҳоли даромадлари тузилмасига мослигини таъминлаш ҳамда уни халқаро мезонларға яқинлаштириш имконини беради. Жорий медиан иш ҳақи даражасида (тахминан 5,3 млн сўм) ушбу кўрсаткичға эришиш МРОТни қарийб 2,1 млн сўмгача оширишни назарда тутди, бу эса унинг ҳозирги даражасидан (1,3 млн сўм) 1,7 баробар юқори бўлиб, аҳоли даромадлари динамикаси ва меҳнат бозори параметрларини инобатға олган ҳолда босқичма-босқич амалға оширишни талаб этади.

2. Тизимни такомиллаштиришнинг устувор йўналиши — МХЭKM вазифаларини институционал жиҳатдан чегаралашдир. **Бюджет соҳасида иш ҳақи фондини ҳисоблашда МХЭKMдан индикатор сифатида фойдаланишдан воз кечиш** мақсадға мувофиқ. Мустақил базавий тариф миқдорининг жорий этилиши ижтимоий кафолатлар ва бюджет юки ўртасидаги тўғридан-тўғри боғлиқликни бартараф этади.

3. Меҳнат бозорининг яққол ифодаланган **ҳудудий нотекислиги**, даромадлар ва яшаш таннариҳидаги фарқларни инобатға олган ҳолда, МХЭKMнинг ҳудудий табақаланишини жорий этиш имкониятини кўриб чиқиш, шунингдек, тажриба тариқасида қурилиш, чакана савдо ва умумий овқатланиш соҳаларида ушбу миқдорни **30 фоизгача ошириш** таклиф қилинмоқда. Бундай ёндашув иқтисодий ривожланган ҳудудларда (шу жумладан, Тошкент шаҳрида) тўловларнинг етарлилик даражасини ошириш билан бир қаторда, иқтисодий фаоллиги паст бўлган ҳудудларда нормативларнинг қўлланилувчанлигини сақлаб қолиш имконини беради.

Меҳнат бозорининг таркибий хусусиятларини эътиборға олган ҳолда, **тармоқлар бўйича МХЭKMни белгилаш**, шунингдек, меҳнатға ҳақ тўлашнинг **минимал соатбай ва кунбай ставкаларини** жорий этиш таклиф қилинмоқда. Бу МХЭKM таъсирини тўлиқ бўлмаган, вақтинчалик ва мавсумий бандлик сегментларига (шу жумладан, техник ходимлар ва кичик тиббиёт ходимлари каби тоифаларға) самарали татбиқ этишға хизмат қилади. Ушбу чора-тадбирларни амалға ошириш ижтимоий шериклик институтларини кучайтиришни ва амалиётни кенгайтиришни талаб этади.

4. Тизимни такомиллаштиришнинг муҳим элементи МХЭKMға риоя қилиш даражасини ошириш ҳисобланади. Шу мақсадда бандликни ҳисобға олишнинг **рақамли воситаларини ривожлантириш, меҳнат муносабатларини расмийлаштириш тартибларини соддалаштириш**, шунингдек, меҳнат қонунчилигининг ходимларни ишға қабул қилиш ва ишдан бўшатишға оид айрим нормаларини иш берувчиларнинг маъмурий ва транзакцион харажатларини камайтиришға қаратилган ҳолда оптималлаштириш зарур.